

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 6 февраль, № 27 (8650) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 февраль куни ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Ўзбекистонда ижтимоий давлат қуриш стратегик мақсад этиб белгиланган. Аҳоли турмуши учун муносиб шароитлар яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш бўйича барча чоралар кўрилмоқда.

Охирги етти йилда мактабгача таълимда қамров 27 фоиздан 74 фоизга етди. Янги мактаблар қурилиб, қўшимча 700 мингта ўқувчи ўрни яратилди. Президент мактаблари ташкил этилди, ихтисослаштирилган мактаблар кўпайди. Олий ўқув юртлари сони 200 тадан ошиб, қамрови 42 фоизга етди. Таълим ва тиббиётда хусусий секторга кенг йўл очилиб, сифатга интилиш пайдо бўлди.

Шу билан бирга, бу соҳаларда аҳоли билан ишлаш, стандартларни янгилаш ва рақамлаштириш борасида камчиликлар бор. Йиғилишда шу каби муаммолар таҳлил қилиниб, жорий йилги вазифалар белгиланди.

Барча мактабгача таълим муассасаларини миллий қадриятларимизга мос ўқув-методик материаллар билан таъминлаш, овқат таъминоти, давомат, бадал пули каби жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги таъкидланди. Боғча мудиралигига номзодларни саралаш ва лавозимга тайинлаш, тарбиячилар малакасини ошириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Таълим соҳасида вазифалар жуда кўп. Шу боис ўтган ҳафтада Лойиҳа офиси ташкил қилинди ва унга катта илмий-амалий тажрибаси бор мутахассислар жамланди. Энди мазкур офис Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази билан биргаликда мактабларда математика, физика, кимё, биология ва хорижий тиллар бўйича ўқув режа ва дастурларини халқаро стандартлар асосида янгилайди. Ўқувчи ва муаллимлар билимини баҳолашда халқаро тажрибалар (PISA, TIMSS, PIRLS) босқичма-босқич жорий этилади.

Президент мактаблари таълим дастури яна бир мингта мактабда қўлланади. Уларнинг моддий-техника базаси шунга мувофиқ яхшиланади. Мактабларга "тил эгалари"ни олиб келиш амалиёти кенгайтирилади.

Ёшлар мактаб давридаёқ, ҳеч бўлмаса, битта ҳунарни эгаллаб катта ҳаётга қадам қўйса, ўз йўлини топади. Шу мақсадда 50 та касб-ҳунар рўйхати тузилиб, улар бўйича ўқув ва амалиёт дастурлари ишлаб чиқилади. Мактабларда устахоналар, тадбиркорлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда тўгараклар ташкил этилади, "Касбий таълим устаси" лавозими очилади. Мактабдаги бўш жойлар тадбиркорларга ўқувчиларни касб-ҳунарга ўқитиш учун текин фойдаланишга берилади. Ўқув курсини тамомлаб, имтиҳондан ўтган ўғил-қизларга малака сертификати берилади.

Давлатимиз раҳбари мактаблардаги тарбия ва маънавият масаласига алоҳида тўхталди. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали уларда "ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет" ҳосил қилиш зарурлиги таъкидланди. Мактаблардаги 2 мингта инспектор-психолог штати Ички ишлар вазирлигидан Миллий гвардия тизимига ўтказилиши белгиланди.

Дарслардаги давоматга, тарбияси оғир ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратилади. Ота-оналар ва маҳалла раисларининг бу борадаги масъулияти оширилади. "Мактаб — ота-она — маҳалла" занжири асосида электрон мулоқот платформаси ишга туширилади.

Ёшлар ўртасида оммалашган ижтимоий тармоқлар таҳлил қилиниб, уларнинг зарарли таъсиридан ҳимояланиш ва ижобий томонидан фойдаланиш чоралари кўрилади. Шунингдек, ота-оналар учун фарзанд таълим-тарбияси бўйича халқчил тилда қўлланмалар тайёрланади.

— Бу ташаббуслар йўлга қўйилса, мактаб таълими бўйича ота-онада масъулият, ўқитувчида мажбурият, ўқувчида ишонч, таълим ва тарбияда сифат, маҳаллада эса назорат бўлади, — деди Президент.

Профессионал ва олий таълимдаги айрим йўналишлар ҳозирги меҳнат бозорига, технологик янгиланишларга мос эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Иш берувчиларда катта эҳтиёж, талабаларда салоҳият ва хоҳиш бор. Лекин уларни боғлайдиган узвий тизим йўқ.

Шу боис энди Касбий билим ва малакаларни ривожлантириш республика кенгаши ҳамда Меҳнат бозори тадқиқотлари институти таълим соҳасидаги Лойиҳа офисига бириктирилади.

Талаб юқори бўлган 100 та касб стандарти Германия, Швейцария ва Буюк Британия тажрибаси асосида янгиланади. Бунда малака талаби иш берувчи эҳтиёжига мослашади. Профессионал таълим устозларига янги стандартлар бўйича ўқитиш талаблари қўйилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб, техникумларда ўқитиш "академик" ва "ишчи касб" компонентларининг узвийлигини таъминлайдиган янги тизим асосида йўлга қўйилади. Бунда коллеж-техникумнинг 1 ва 2-курсидаги таълим дастурлари, дарсликлар, билимни баҳолаш мезонлари ва муаллимларга талаблар олийгоҳлар билан бир хил бўлади.

Техникумларда ҳам "кредит тизими" жорий қилиниб, фанни ўзлаштириш бўйича тўпланган "кредитлар" олийгоҳларда тан олинадиган тизим бўлади. Яъни коллеж-техникумда икки йил давомида етарли "кредит" тўплаган ўқувчилар "2+2" ёки "2+3" дастурлари асосида олийгоҳларнинг иккинчи ёки учинчи курсларида таълимни давом эттириш имкониятига эга бўлади.

Коллеж-техникумда ўқиб, фаолиятини ишлаб чиқаришда давом эттирмоқчи бўлганларнинг соҳадаги мавқеини ошириш бўйича ҳам янги тизим йўлга қўйилади. Энди коллеж-техникумда "ишчи касб" йўналишида ўқиганлар икки ёки уч йил ишлаб, тажриба орттирганидан кейин имтиҳон топшириб, бакалаврга тенг малака даражасини олиши мумкин.

Мутасаддиларга хорижий тажриба асосида олийгоҳ, техникум ва коллежни бир-бирига боғлаш шартлари ва тартибини ишлаб чиқиш топширилди. Олий таълим муассасаларига мақом беришнинг аниқ мезонларини белгилаш, бакалавр йўналишларини мақбуллаштириш, таълим дастурларини дунёдаги 300 та энг яхши олийгоҳ дастури асосида янгилаш вазифаси қўйилди.

"Эл-юрт умиди" жамғармаси Президент Администрацияси ҳузурига ўтказилиб, хорижда ўқиш бўйича янги тизим жорий этилиши белгиланди.

Аҳоли ҳаётида катта ўрин тутадиган соҳалардан бири бу соғлиқни сақлаш. Йиғилишда бу борадаги долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бирламчи тиббиёт тизимида сифат ва мутахассислар етишмаслиги қайд этилар экан, Соғлиқни сақлаш вазирлигига соҳадаги барча вакансияларни онлайн платформага жойлаштириб, кадрларни ишга олиш бўйича шаффоф тизим яратиш топширилди.

Ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, аввало, қишлоқлар аҳолисига хизмат қилиши кераклиги таъкидланди. Уларни бирламчи бўғин билан боғлаш, иш тизимини рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Касалликларни эрта аниқлаш мақсадида эндиликда хавф гуруҳига кирувчи аҳолини юрак-қон томир, онкология ва эндокрин касалликлари скринингидан ўтказиш тизими ўзгартирилади. Бунинг учун республика кардиология, эндокринология, онкология марказлари масъул бўлади.

Шунингдек, онкология бўйича ҳар бир эрта аниқланган ҳолат учун тиббиёт бригадаларига мукофот бериш жорий қилинади. Бу тажриба 1 майдан Қашқадарёда бошланади ва келгуси йилдан бошқа ҳудудларда йўлга қўйилади.

Хорижий экспертлар жалб қилиниб, эскирган клиник протокол ва стандартлар халқаро мезонларга мослаштирилади. Касаллиги енгил беморларни дори билан эмас, иммунитетни кўтарувчи табиий воситалар, жисмоний машқ ва фитотерапия билан даволаш кенгайтирилади.

Тиббиёт соҳасидаги 23 та марказ, 12 та олийгоҳ, 2 та малака ошириш марказига замонавий менежерлар ишга олиниб, халқаро аккредитациядан ўтказилади. Бунинг натижасида шифокор ва ҳамширалар янгича ўқитилади, даволаш сифати ошади, дори ёзиш камаяди, энг муҳими — ривожланган клиникалар муҳити кириб келади.

Сўнгги икки йилда тиббиёт соҳасини рақамлаштиришга бюджетдан 90 миллиард сўм йўналтирилди. Бунинг натижасида аҳолига кўплаб қулайликлар яратилди. Энди "Электрон поликлиника", "Электрон шифохона" ва "Электрон тиббий карта" тизимлари ишга туширилади. Кафолатланган пакетга кирган дориларни электрон рецепт асосида бериш йўлга қўйилади. Вилоят шифохоналари ҳам электрон йўлланма тизимига уланади.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир она ва бола ўлимига "фавқулодда ҳолат", деб қараш кераклигини таъкидлади. Туғруқхоналарни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, ҳомиладор ва туғруқ ёшидаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, доя ва ҳамшираларни қўшимча ўқитиш бўйича топшириқлар берилди.

Маданият соҳасида аввал белгиланган вазифалар ижроси таҳлил қилинди. Ҳар бир туманда кино зали, кутубхонаси ва тўгарак хоналари бўлган маданият маркази барпо этиш, ҳудудларда маданий тадбирлар ўтказиш ва ёшларни санъатга жалб қилиш масалалари кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, маҳаллаларни оммавий спорт туридан бирига ихтисослаштириш, ҳудудлар ва республика миқёсида мусобақалар ташкил этиш бўйича вазифалар қўйилди.

Шу йил Парижда бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Спортчиларнинг йўлланмаларни қўлга киритиши ва мусобақаларга яхши тайёргарлик кўриши учун барча шароит яратилиши айтилди. Уларни чуқурлашган тиббий кўрикдан ўтказиш, фармакология ва диетология жиҳатидан сифатли таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

**ЎзА.**

Бугуннинг гапи



# ТАРИХ ҲЕЧ ҚАЧОН ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

***Тинчлик бахтли, эркин ва фаровон ҳаётнинг энг бирламчи шарти ҳисобланади. Шунинг учун доим ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз, юртимиз, хонадонларимиз осойишталиги, фарзандларимиз келажаги учун ҳар қандай хуружларга тайёр туришимиз керак. Ҳозир дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ва қарама-қаршиликлар кучаймоқда, радикализм ва экстремизм хавфи тобора ортиб боряпти. Бугун қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар уруш ҳаракатлари боис туғилиб ўсган жойини, қадрдон гўшасини ташлаб бошқа юртларга кетишга мажбур бўляпти. Тинч аҳолининг ҳаёти барбод қилиняпти.***

## Халқимиз танлаган йўл — ҳуррият йўли

Назаримда, Ўзбекистонда 130 га яқин миллатлар вакилларининг тинч-осойишта яшаётгани кимларнидир тинч қўймаётгандай. Шу маънода, оғзига кучи етмаган калтабин сиёсатчилар томонидан Ўзбекистонга асоссиз отилаётган туҳмат тошлари бежиз эмас. Турли минтақаларда ўзаро келишмовчиликлар, вайронкор урушлар давом этаётган бир пайтда улар ахборот хуружларини кучайтириш орқали жамият барқарорлигига рахна солиш ниятида турли манфур усулларни ишга солишаётир. Уруш туфайли Украинада, Ғазо секторида бегуноҳ болалар, муштипар аёллар, кексалар, тинч аҳоли кунда-кунора нобуд бўлмоқда, айни кунларда хонавайрон бўлиб, бошпанасиз, озиқ-овқатсиз қолмоқда.

Йўқ, ёвуз кучларни бу урушлар ҳам қониқтирмаяпти. Улар 150 йиллик қуллик занжиридан қутулиб, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритган давлатларнинг, миллатларнинг унга бош эгиб, ҳар куни саҳардан шаънига мадҳия айтиб, салом беришини исташяпти. Пахтасига, пилласига, тилласига, газнефть конларига эга бўлишни, ўзларини эса қайтадан қул қилиб ишлатишни хаёл қиляпти.

Юксак технологиялар асри бўлган ҳозирги даврда соғлом фикрли одам бир кирган оқар сув кечимига қайта тушишнинг умуман иложи йўқлигини яхши билади. Миясида иллат бўлган одамгина шундай хомхаёл қилиши мумкин. Бир умр юртининг озод бўлишини орзу қилган, шу йўлда жонини тиккан, қирғин, сургун қилинган аждодларимиз, келажак авлодларимиз олдидаги жавобгарлик мажбурияти ҳаққи-ҳурмати, биз ўз йўлимизни танлаганмиз ва ҳар қандай шароитда ҳам бу йўлдан ортга чекинмаймиз.

Бунақа сиёсатчиларнинг даъволари ҳамкорлик муносабатларини давом эттираётган икки давлат ўртасига совуқчилик тушириши мумкинлигини улар билмайдиларми? Жуда яхши билишади. Демак, мантиқан олганда, уларнинг мурвати қайсидир кучлар томонидан бураляпти. Ортга қайтмас ислоҳотлар йўлидан бораётган янги Ўзбекистонга нисбатан бўлаётган бундай ахборий ва сиёсий тажовузларга нафақат юртим, Ватаним деб ёнган, жонини тикишга тайёр турган ўзбек фарзанди, ўзбек зиёлилари, балки шу заминда тинчлик-тотувликда, бир-бири билан дўст-биродар, ҳамжиҳатликда яшаётган ҳар бир миллат ва элат вакиллари чуқур мулоҳаза қилиб, қизишмасдан асосли ва муносиб жавоб қайтариши шарт ва зарур.

## Миллат ҳимоячилари миллатчими?

Бизнинг уч минг йиллик тарихимиз бор. Бир пайтлар заминимизда гуллаб-яшнаган Турон давлати чегараси бу ёғи Шарқий Туркистондан тортиб Кичик Осиё, Каспий денгизгача бўлган, бошқа томони Тинч океани Охота денгизигача чўзилган ва Турк хоқонлиги деб аталган жуда катта империя бўлган. Буни тарихчилар, олимлар яхши билишади. Лекин ўша жойлар бизга қарашли, деб даъво қилмаяпмиз-ку!

Биз бағрикенг халқмиз. Келган одамни дўстми, дўстмасми, қучоқ очиб кутиб олганмиз, уйимизнинг тўрини берганмиз. Тансиқ таомларни ўзимиз емасак-да, уларга тутганмиз. Иккинчи жаҳон уруши йилларида — қимматчилик ва қаҳатчиликда сон-саноқсиз вагонларда келган етимларнинг бошини силаб, паноҳ бўлганмиз, ҳеч бирини бегона деб билмаганмиз. Хўш, буларнинг эвазига нимага эришдик?

Иккинчи жаҳон уруши ҳамда қатағонлик сиёсати оқибатида собиқ иттифоқнинг турли ҳудудларидан бир қатор халқлар "ватан хоинлари" тамғаси остида Ўрта Осиё ва Қозоғистонга кўчирилди. Асл мақсад халқларни бир-биридан ажратиш ва жазолашдан иборат эди. Шўро ҳукуматининг бу хатти-ҳаракатлари фашистлар оккупацияси даврида айрим кишилар ва гуруҳларнинг хоинлиги учун берилган жазо, мамлакат хавфсизлигини қўриқлаш, деб таърифланди.

➡ 2

Сенат қўмиталарида

# ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ

*Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг бир қатор қўмиталари йиғилишларида "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси чуқур таҳлилдан ўтказилди.*

*Уларда эътироф этилганидек, жорий йилда ҳам номи келтириб ўтилган стратегияда белгиланган ислоҳотларни самарали амалга ошириш ҳамда халқ манфаатларига йўналтирилган бошқарувни янада такомиллаштириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган бўлиб, уларнинг барчаси давлат дастури лойиҳасида ўз ифодасини топмоқда.*

## Ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш мақсад қилинмоқда

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси йиғилишида жамоатчилик муҳокамасига қўйилган лойиҳа "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган кенг кўламли ислоҳотларни 2024 йилда самарали амалга ошириш, халқимиз кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича тизимли ҳаракатларни изчил давом эттириш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, давлат дастури лойиҳасининг "Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш" йўналиши доирасида ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатини 6 фоиздан кам бўлмаган даражада ҳамда инвестицияларни ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан камида 30 фоиз бўлишини таъминлаш ва иқтисодиёт тармоқларида 18 млрд. долларлик 309 та йирик лойиҳани ишга тушириш белгиланган.

Шунингдек, иқтисодиётга 275 трлн. сўм кредит ресурсларини йўналтириш, шу жумладан, 41 трлн. сўмлик микромолия хизматлари кўрсатилишини таъминлаш ва банклар томонидан тақдим этиладиган кредит ставкаларини бозор механизмлари асосида 2-3 фоиз бандга пасайтириш учун зарур шароит яратиш мақсад қилинган.

➡ 3

Қонунчилик палатаси фракцияларида

# АСОСИЙ ЭЪТИБОР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛДИ

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.*

*Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган масалалар, хусусан, аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини мустаҳкамлаш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик ҳамда ҳайвонот турларини муҳофаза қилиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларга оид масалалар кўриб чиқилди.*

*Қонун лойиҳалари муҳокамаларида асосий эътибор уларнинг долзарблиги, зарурати ва аҳамияти, шунингдек, инсон манфаатларига қай даражада мослигига қаратилди.*

➡ 3

# ТАРИХ ҲЕЧ ҚАЧОН ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ



Суратлар "Халқ сўзи" фотожамламасидан олинди.

1 1966 йилда Тошкентда бўлган зилзила баҳонасида бошқа республикалардан "биродарлик ёрдами" ниқоби остида бир неча ўн минглаб турли миллатга мансуб аҳоли кўчириб келинди. Ҳаммасига уй-жой берилди, уларнинг 60 фоизи Тошкентда ўтроқ бўлиб яшаб қолди. Туб миллатга мансуб аҳолининг баъзиларига уй-жой берилди холос.

Ўша пайтда райижроқўм раиси бўлиб ишлаганман, шунинг учун буларни яхши биламан. Менга "Ҳовлим бузилган эди, уй-жой беришмади", деб қоракўз ўзбекларимиз келади, "Ариза берганмисиз?" десам, "Йўқ" дейишади. Тасаввур қиляпсизми, бу содда шўрликлар уй олиш, навбатда туриш учун, ҳатто ариза ёзиш кераклигини ҳам билишмаган. Рўйхатни олиб қарасам, ариза берганларнинг ҳар юзтасига бир-иккита ўзбек тўғри келади. Нима бўлганда ҳам, уларга қўлимдан келганча баҳоли қудрат ёрдам беришга ҳаракат қилганман.

Мен миллатчи эмасман. Лекин кимдир тузимизни ичиб, тузлиғимизга тупурар экан, бунга чидаб бўлмайди. Қачонгача миллат ҳимоячисини миллатчи деймиз? Ўшалар эмасми, миллат ҳимояси учун чиққан ота-боболаримизни судсиз-сўровсиз отувга ҳукм қилган? Ўшалар эмасми, сотқинлардан думалоқ хатлар ёздириб олиб, айбсиз айбдорга чиқарилган Саидризо Ализода, Усмон Носир сингари минг-минглаб зиёлиларимизни узоқ ўлкалардаги лагерларга жўнатган? Уларнинг кўплари ўша ёқларда армон билан оламдан ўтди. Саидризо Ализоданинг ҳозир 85 ёшга кирган невараси 1945 йилда қамоқда вафот этган бобосининг хокини Владимир шаҳридан киндик қони томган юрт — Самарқандга олиб келиб дафн қилиш учун 40 йил умрини сарфлади... Биз ана шундай қилиб кўп нарсани бой берганмиз.

## Бешикдан қабргача илм изла

Бугун тараққиётга, маърифатга, маънавиятга интилар эканмиз, албатта, замонавий технологияларни ўзлаштиришимиз, амалиётга жорий этишимизни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Бунинг учун илм, билим керак. Болаларимизнинг ҳаммасини иложи борича сифатли таълимга жалб этсак, шундагина натижадорлик, юксалиш бўлади.

Ачинарлиси, баъзи дунёқараши ўзгармаган, эскича фикрлайдиган амалдорлар ватанпарварлик ҳақида оғиз кўпиртириб гапиради-ю, амалда янгиликларга тўсиқ қўяди. Айнан шу боис ҳам "ватанпарварлик" сўзининг оҳорини тўкиб қўймадикми?!

Айтинг биродар, ватанпарварлик нима? Ватанпарварлик — ўз халқига сидқидилдан хизмат қилиш, қулайликлар яратиш, пора олмаслик, халқ мулкини ўзлаштирмаслик, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, бели букилганга суянч бўлиш, керак бўлганда, Ватан учун жонни бериш дегани.

Ана шу тутумга амал қилмаган, ўз манфаатини ўйлайдиган бундай мулозимлардан ҳеч иккиланмасдан воз кечиш, ўрнига халқ ҳурматига сазовор бўлган ҳақиқий жонкуяр инсонларни қўйиш керак. Ана шунда ишимизда унум, жамиятимизда ривожланиш бўлади.

Аслида, одам бир бурда нонга тўяди. Лекин афсуски, қорни тўйиб, кўзи тўймайдиган кимсалар халқ ишончига тупуриб, ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳоллари учрамоқда, жамиятда коррупция ҳолатлари тўхтамаяпти.

Шундай экан, раҳбар кадрлар шижоат ва салоҳиятини илмий таҳлил қиладиган институт ташкил этиш орқали ҳалол, тарбияли, коррупцияга мойил бўлмаган, бировнинг ҳақидан қўрқадиган ёшлар ҳисобига шакллантирадиган тизим яратиш керак, назаримда.

## Ўз илдизларимизни билишимиз шарт

Давлатимиз раҳбари "Обод маҳалла" дастурига киритилган маҳаллалардан бирида бўлганида, тўсатдан каминага сўз бериб қолишди.

Мен "Раиятга қайишган одил ҳукмдорлар ҳақида илгари кўп ўқиганман. Лекин халқ ичига, оддий хонадонларга кириб, улардан ҳол-аҳвол сўраган, мамлакат бўйлаб хароба бўлиб ётган қишлоқларни ўзи бош бўлиб "Обод қишлоқ" дастурига киритиб, доимий назорат қилиб турган подшо ҳақида ҳеч ерда, ҳеч бир китобда ўқимаганман", десам, ҳамма менга ялт этиб қаради.

Бу гапларим сохта мулозамат эмас, ишонинг. Президентимизнинг амалий ишлари туфайли кўнгли чўкиб қолган халқда эртанги кунга ишонч уйғонди. "Янги Ўзбекистонни мард ва жасур халқимиз билан биргаликда қурамиз" деган ғояси тадбиркорларга қанот бахш этди, гердайиб юрадиган амалдорлар халққа хизмат қиладиган бўлди. Яқин қўшнилар билан қайтадан дўстона алоқаларни, борди-келдиларни тикладик, дунё мамлакатлари билан очиқ сиёсат олиб борилаётганлиги Ўзбекистон деган мустақил давлатни жаҳонга танитди.

Бир аччиқ ҳақиқатни тан олиш керак, илгари давлат билан халқ ўртасида катта жарлик юзага келган эди. Халқнинг аҳволидан ҳеч ким хабар олмай қўйган эди. Лекин Президент Шавкат Мирзиёев давлат халққа хизмат қилиши кераклигини шарт қилиб қўйди. Мана қаранг, ҳозир давлат хизматлари турлари кўпайиб кетди. Халқимиз ортиқча югур-югурдан қутулди, сарсон-саргардон бўлиб юрмайдиган бўлди.

Ҳозирги ёшлар ақлли, иқтидорли, инглизчани ҳам бийрон-бийрон гапиради. Бу, албатта, яхши, дунёга чиқиш учун керак. Мен уларни қўллаб-қувватлайман. Лекин бошқа тилни деб ўзбек тилини бой бериб қўйиш керак эмас-да!

Фарзандларимиз қаерда, қайси даврада бўлмасин, ўзбек деган миллат вакили сифатида ўз илдизларини билиши шарт ва қадриятларимизни унутмаслиги керак.

## Тилимиздаги муаммолар

Яширмайман, ўзим ҳам рус мактабида ўқиганман. Лекин мактабдан уйга келиб "Ассалому алайкум" деб остонадан ўтишим билан рус тили унутиларди. Бобом уйда бир оғиз ҳам русча гапиришимизга йўл қўймасди. Уйимизда танча бўларди, бобом қиш кунлари бу ерда китоб мутолаа қиларди. Араб ёзувида, ўзбек тилидаги китобларни ўқишни у кишидан ўрганганман. Бобом ҳар куни мен билан катталардай суҳбатлашарди, бўлиб ўтган воқеаларни, ўқиган китобларини ширали овозда гапириб берарди. Мен эртак эшитгандек бўлардим, бобом айтган образлар кино лентасидек кўз ўнгимда намоён бўларди. Ана шундай тарбия олганмиз.

Қолаверса, рус адабиётини, ёзувчиларининг жуда кўп асарларини ўқиганман. Достоевский дейсизми, Лев Толстой, Карамзин ва ҳоказо. Лекин бу — ўзбек адабиётини ўқима, дегани эмас-ку! Биз, аввало, ўз алломаларимизни, уларнинг асарларини ўқиб-ўрганишимиз керак.

Эсимда, бувим бир куни мени чақириб, сандиқдан нафис матога авайлаб ўраб-чирмаб қўйилган бир китобни олди. Қўлимга бериб, "ўқи" деди. Бу Абдулла Қодирийнинг тошбосмада босилган, араб имлосида ёзилган "Ўткан кунлар" китоби экан. Уни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Мана, хонларнинг, мазлум ўзбек халқининг ҳаётини ипидан-игнасигача ёритиб берган ҳақиқий санъат асари!

Уйимизда Навоий, Фузулий, Насимий, Машраб сингари улуғ шоирларнинг жуда кўп китоблари бор эди. Айниқса, бувим жуда ўқимишли отинойи эди, Машраб билан Махтумқулининг ғазалларини, шеърларини яхши кўрарди. Кеч-қурун бўлди дегунча чироқ ёруғида бувижоним, онажоним, аммахолаларим давра қуришиб, ғазалхонлик қилишарди. Биз уларни жон қулоғимиз билан тинглардик...

Бугун интернет, телевидение ривожланиб кетди. Хаёлга келмаган нарсаларни кўрсатяпти. Бир куни "Ёр-ёр" кўрсатуви ҳақида ўз фикримни айтсам, "Сиз кексайиб қолдингиз-да, шунга ғашингиз келяпти" деганга ўхшаш гап қилишди. Бу нима майнавозчилик? Яна ўша кўрсатувга келадиганларни қаранг. "Ҳей эркаклар" деб гап бошлайдиган аёл кўрсатувда экран орқали ҳар сафар эркакларга насиҳат қилишдан тинмайди. Эркаклар шу бошловчининг насиҳатига зор бўлиб қолганми? Умуман, унинг бунга қанчалик ваколати бор? Бундай эмас-да, энди!

Кўпинча эрталаб "Ассалом Ўзбекистон" кўрсатувини томоша қиламан. Жуда яхши, маънили олиб боришади, лекин баъзида чалакам-чатти русча сўзларни ҳам қўшиб юборишади.

Тўғри, ўша ерда русча гапирадиган журналист ҳам ўтиради. Лекин қолганлар ҳам русча сўзларни аралаш-қуралаш қилиб гапираверади. Қани маданият? Ўзбекистон халқ артистларининг чиқишларини кўриб қоламан, айримларида савод ҳаминқадар. Маданият, маърифат улашувчилар эфирга чиқиб саводсизларча гапириб турса, қолганлардан нима кутамиз?

## Давримизнинг фидойи инсонлари ҳақида асарлар керак

Яқинда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида Бухоро вилоятидаги Қоракўл туманидан чиққан математика ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаев ҳаётига бағишланган спектаклни кўрдик. У шўро даврида ўз ҳисобидан математикадан сабоқ берадиган мактаб-интернатни очиш учун ниҳоятда қийналган. Унинг қўлида ўқиган ўқувчиларнинг 6 нафари халқаро олимпиадага бориб, олтин медалларга сазовор бўлганида, ҳакамлар ҳайрон қолишган: улар ўшанда, ҳатто Ўзбекистон деган давлатни билишмас ҳам экан.



Мана, Ал-Хоразмийнинг, Улуғбекнинг, Али Қушчининг авлодлари! Уларнинг дунёга чиқишига "катта оғалар" қўймаган, йўл бермаган. Тўхтамурод Жумаев ана шу мустабид тузум қаршилигини енгиб, ўз ўқувчиларини халқаро олимпиадага юборишга эришган ва улар олий ўринларни эгаллаб қайтган. Мана, бугунги куннинг Авлонийси!

Спектакль бошланганида залда 30 тача томошабин бор эди. Актёрлар барака топишсин, ролларни жуда таъсирли ўйнаган. Спектакль ярмига етганда, орқада ўтирганлардан бири йиғлагандай бўлди. Ўгирилиб қарасам, ҳамма йиғлаб ўтирибди. Зал одам билан лиқ тўла, Оққўрғондан, Нурафшондан, яқин туманлардаги мактаб ўқувчиларини олиб келишган экан.

Кўряпсизми, ана шундай ижтимоий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарларни кўпайтиришимиз керак.

## «Уйғониш замонинг муборак бўлсин!»

Яна тарихга мурожаат қилсак. Иккинчи жаҳон уруши йилларида 682 нафар япон асири Ўзбекистонга келтирилди. Улар турли айбловлар билан оғир ишларга жалб этилди, қийноқларга дучор бўлди. Шу боис кўплаб япон фуқаролари оғир турмуш шароити ҳамда тортилган азоб-уқубатлар туфайли ўзга юртларда вафот этиб кетишган. Ҳатто ўша даврда марказ кўрсатмасига мувофиқ кўчирилган халқлар дафн этилган қабристонларни ҳам бузиб ташлаш буюрилган эди. Аммо Ўзбекистонда бу ҳолатга йўл қўйилмади. Японлар дафн этилган қабристонлар сақлаб қолинди.

Япон халқи буни билади. Шунинг учун уларнинг ўзбекларга меҳр-муҳаббати баланд. Халқларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда, ривож топмоқда.

...Энг қийин даврларда ҳам ота-боболаримиз ўзга миллат вакилларига бошпана берди, улар билан бир бурда нонини баҳам кўрди. Оғир, синовли дамларда Ўзбекистон улар учун иккинчи ватан, нажот қўрғони бўлди.

Душман келганида шайх Нажмиддин Кубро 76 ёшида қилич кўтариб муридлари билан ғазотга чиқди. "Нажот ҳурриятда", деди.

Ҳазрат Навоий бобомиз ёзганидек:

*Аёнким, Ватан узра то жони бор,*
*Киши ҳарб этар то имкони бор.*

Демак, четдан келадиган ёвуз офатдан кўра ичимиздан чиқадиган сотқин, иймонсизлардан эҳтиёт бўлайлик! Қайси элдан, қайси юртдан ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, керак бўлса, ўз Ватанига хиёнат қиладиган кимсалар чиқса, ўша миллат аҳволи харобдир.

Ўзбекистонни ўзининг ажралмас бўлаги дея даъво қилаётганлар билиб қўйсинлар: тарих ҳеч қачон ортга қайтмайди. Биз уруш жаҳаннамларидан паноҳ излаб поездларда келган барча инсонларни, етим гўдакларни бағримизга олган халқмиз. Уйимизнинг тўрини, кўзимизнинг нурини, қалбимизнинг қўрини берган халқмиз! Биз энди сиртмоққа бўйин бермаймиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев керак бўлса, жонимизни берамиз, лекин Ватанни бермаймиз, деди. Биз унга ишонамиз. Унинг ортида эса бутун бир халқ турибди. Биз огоҳлигимизни, ҳушёрлигимизни, озодлигимизни, ихтиёримизни энди бировга бериб қўймаймиз.

Мустақиллик — буюк неъмат. Энди буёғига ўз уйимизни, муқаддас она тупроғимизни кўз қорачиғидек асраш, келажак наслларга қуллик кишанларидан қутулган, тенглар ичида тенг бўлиб юксалаётган, ривожланаётган озод Ватанни мерос қилиб қолдириш бизнинг зиммамизда. Мустақиллигимизни бой берсак, бизни тарих ҳам, авлодлар ҳам, Яратган ҳам кечирмайди.

Даврлар ўтди. Қанча ёлғон, қанча сохтакорликлар, Ватанни сотганлар, халқ шаънини топтаганлар, нонкўрлик ва ғирромликлар бугун ҳаммага аён, ошкордир. Қанча ёлғон тузумлару сохта таълимотлар барбод бўлди.

Соҳибқирон Амир Темур томонидан Шаҳрисабзда бунёд этилган муаззам Оқсарой пештоқларида кўп илоҳий ёзувлар иншо қилинган. Шулар қаторида "Подшоҳларнинг сўзлари — сўзларнинг подшосидир" деган битик ҳам бор.

Умр бўйи меҳнатдан, ғурбатдан боши чиқмаган, асрлар мобайнида боши эгик, жабру жафолардан зада бўлса-да, иймони саломат миллатимиз Шавкат Мирзиёевнинг доно ва оқилона сиёсати боис мустақил Ўзбекистонда учинчи Ренессансга қадам қўйди. Ривожланиш босқичига ўтди. Бу ҳақда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов "Уйғониш замонинг муборак бўлсин!" дея башоратли сатрларни битган эди.

Ҳаёт қонуниятига кўра вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Лекин бу ёруғ дунёда улуғ бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Яъни Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг бахту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамиша барҳаёт яшайди.

Бугун мустақиллик шарофати билан давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳар биримизнинг шиоримизга айланиши шарт.

**Рустам КАЛОНОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси**
**Тошкент шаҳар кенгаши раиси, сенатор.**

Акс садо

# ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ

*Ҳозирги глобаллашув жараёни, техника ва технология, саноат юқори даражада ривожланган асрда экология, биохилмахилликни асраш, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммолар бир минтақагагина эмас, балки барча қитъаларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун инсоният олдидаги долзарб вазифалардан бири — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш, флора ва фауна оламини асраб-авайлаш, глобал экологик инқирозга йўл қўймаслик саналади.*

Табиатда ўсимлик турларининг ривожи чамбарчас боғланган бўлиб, улар ўзаро яхлит экотизимни ташкил этади. Ҳатто бир гиёҳнинг йўқолиши ҳам яшил оламнинг мувозанати бузилишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Шу нуқтаи назардан айтганда, экологияга оид муаммолар Ўзбекистонга ҳам бегона эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йилда уй-жой, қурилиш, коммунал хўжалиги, транспорт ва экология соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишининг танқидий-таҳлилий руҳда кечгани ҳам бежиз эмас. Унда мазкур соҳалардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича берилган топшириқлар ва уларнинг ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар, белгиланган устувор вазифалар ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида сўз борди. Чунки уй-жой, қурилиш, коммунал хўжалиги, транспорт ва экология бугунги кунда ўта долзарб масалалардан саналади.

Англашиладики, бу борадаги муаммолар узоқ йиллар давомида йиғилиб келган ва афсуски, ўз вақтида ечимини топмаган. Шунинг учун уларни бугунги кунда бартараф этиш қийинчилик билан кечмоқда. Масъул ташкилотларнинг амалга оширилаётган ишларга сусткашлик билан ёндашиши ҳамда айрим шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларига бўлган тажовузкор ҳаракатлари умумэкологик вазиятнинг ёмонлашувига сабаб бўляпти. Айни чоғда инвестициявий фаоллик суръатларининг, жумладан, саноат ишлаб чиқариш, қурилиш, урбанизация ва бунёдкорлик кўламининг кескин кенгайиши аҳоли пунктларига тушаётган экологик юкламани камайтириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу ўринда рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилдан буён ҳудудларда 22 мингта янги саноат корхонаси ишга тушган, қарийб 250 мингта янги уй-жойлар қурилган. Уларни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш учун кўмир, мазут каби ёқилғи турларини ишлатиш ҳажми ошиб боряпти. Масалан, кўмир сарфи йилига 11 млн. тоннага етган. Бу — 2019 йилдагига нисбатан икки баробар кўп.

Бундан ташқари, саноат корхоналари ва автомобиллардан атмосферага йилига 2 млн. тоннадан зиёд ифлослантирувчи моддалар чиқаётгани, айниқса, пойтахтда, Олмалиқ, Нурафшон, Оҳангарон, Ангрен, Бекобод ва Қувасой шаҳарларида ҳаводаги ифлослантирувчи моддалар миқдори бошқа ҳудудларга нисбатан анча кўплиги ачинарлидир. Ҳудудлардаги айрим корхоналарда 10 йилдан кўп ишлатилаётган чанг-газ тозалаш ускуналари мавжуд.

Саноат корхоналари "оёққа туриши" учун кўплаб енгиллик ва имтиёзлар берилган, лекин айрим корхоналар на солиқлар тўлашни, на атроф-муҳитни ҳимоя қилишни ўйлайди. Масалан, 20 та цемент корхонаси сўнгги уч йилда 85 млрд. сўмлик солиқларни яширгани аниқланган. Аксарият ҳолларда қурилиш объектлари ва лойиҳалари экологик экспертизадан ўтказилмасдан амалга ошириляпти.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг экологик вазиятга оид ахборотини эшитдик. Вазир олдига бир қатор саволлар қўйдик, фикр-мулоҳазаларимизни билдирдик. Мисол учун, Тахтақорача довонидан Китоб тумани ҳудудига ўтсангиз атроф-муҳитга цемент заводининг таъсирини яққол сезишингиз мумкин. Мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшаётган бундай корхоналарнинг ҳаммаси ҳам экологик талабларга жавоб бермаяпти. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур корхоналарни аҳоли яшаш пунктлари ва муҳофаза этиладиган ҳудудлар яқинида жойлаштириш қанчалик тўғри, деган саволга аниқ жавобни кутган эдик.

Вазир мавжуд ҳолатни таҳлил этган ҳолда жавоб бергани, албатта, яхши. Бироқ ундаги бир масала биз, депутатларни қаноатлантирмади. Чунки цемент хомашёси тош бўлгани учун заводларни тоғларда қуриш лозимлиги айтилди. Ахир тоғларимиз яшил макон ҳудудлар сафига киради. Одамлар бу масканларга дам олиш, касалликлардан фориғ бўлиш ниятида боради. Айниқса, Тахтақорача ва Китоб йўналишида болалар оромгоҳлари, санаторийлар, ўпка-сил касалликларига йўналтирилган шифохона мавжуд. Маҳаллий ва хорижий туристлар ҳам шу ҳудудда дам олишади. Биз бу билан табиатимизга, сайёҳлик тизимига зарба бериб қўямиз-ку?!

Таклифимиз — инсон саломатлигига зиён етказадиган, турли касалликларни келтириб чиқарадиган заводлар аҳоли яшаш пунктларидан узоқроқда жойлаштирилса мақсадга мувофиқ бўларди. Қолаверса, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш вақти келди, деб ўйлаймиз. Зеро, бу — ҳар биримизнинг тақдиримизга, соғлиғимизга дахлдор масала. Боз устига, атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган вазифаларни бажаришда давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этиши лозим. Хусусан, юртимизда экологик муаммолар ва табиат муҳофазасидаги лоқайдликларга барҳам бериш, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштирокининг фаоллигини ҳар томонлама кучайтириш, бу борада қабул қилинган қонунлар ҳамда қарорлар ижросини таъминлаш ҳар биримизнинг зиммамиздаги вазифа бўлиши керак.

Умуман айтганда, кўриб чиқилган масалаларнинг амалий ижросини таъминлашда парламент иштирокини кучайтириш долзарб саналади. Жумладан, қурилиш ва саноат объектларини қуришда унинг экологик меъёрларга мослигини ўрганиш тизимини такомиллаштириш, ноқонуний қурилишларга чек қўйиш, бу жараёнда қонун устуворлигини таъминлаш жуда муҳим. Шундай экан, депутатлар корпуси экологияни асрашда ташаббускор бўлиши, бу жараёнда қатъий парламент назоратини ўрнатган ҳолда фаол иш олиб бориши айни муддаодир.

**Дилором ИМОМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ



1 Қолаверса, ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга қўшимча имкониятларни яратиш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 40 фоизи ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилиши кўзда тутилган.

"Ёш тадбиркор" танлови асосида "маҳалла — туман — вилоят — республика" босқичларида ёшларнинг истиқболли бизнес лойиҳа ва ғоялари саралониши, республика босқичидан ўтган ҳар бир лойиҳага базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваригача миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилиши ва кредит ставкасининг 50 фоизи қоплаб берилиши, ғолиб бўлган бизнес лойиҳа ва ғоялар эгалари Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан хорижий давлатларга малака оширишга юборилиши ҳам назарда тутилмоқда.

Ўз навбатида, миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида бизнес учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида "Бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури" доирасида камида 200 мингта янги тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, 90 мингта корхона ва 110 мингта якка тартибдаги тадбиркор фаолияти йўлга қўйилиши, шунингдек, янги иш ўринларини таъминлаш орқали 5 миллион аҳолининг бандлиги учун зарур шароитлар яратилиши белгиланган.

## Хорижий сайёҳлар сони 10,5 миллионга етказилади

Парламент юқори палатасининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг доимий комиссиялари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари, экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, ОАВ вакиллари қатнашди.

Муҳокама давомида давлат дастури лойиҳасида ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни кучайтириш, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими, хавфсизлик ва ташқи сиёсат, сув ресурсларини оқилона бошқариш, атроф-муҳитни муҳофазалашга қаратилган ислоҳотларни изчиллик билан давом эттириш белгилангани алоҳида қайд қилинди.

Сенаторлар қўмитанинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, дастур лойиҳасида ташқи сиёсат, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва туризмни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни атрофлича таҳлилдан ўтказди.

Жумладан, жорий йилда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, тўртта йирик туризм кластерини шакллантириш орқали хорижий сайёҳлар умумий сонини 10,5 миллионга етказиш бўйича кенг кўламли вазифаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, давлат дастурида ташқи иқтисодий ва инвестиция фаолиятининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, умумий қиймати 18 млрд. долларлик 309 та инвестиция лойиҳасини ишга тушириш кўзда тутилган.

Муҳокама давомида иштирокчилар давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда тегишли вазирлик ва идоралар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди.

## Мактабгача таълимнинг қамров даражаси оширилади

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган кенг кўламли ислоҳотларни 2024 йилда самарали амалга ошириш, халқимиз кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича тизимли ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

Давлат дастури лойиҳасида мактабгача таълимнинг қамров даражасини ошириш, давлат мактабгача таълим ташкилотларининг мактабга тайёрлов гуруҳларини илғор таълим планшетлари ва сенсор экранли интерфаол доскалар билан таъминлаш ҳамда мактабгача таълим ташкилотларига тоза ичимлик суви етказиб бериш каби чора-тадбирлар ўрин эгаллаган.

Шунингдек, "Намунавий мактаб" лойиҳалари асосида 480 та мактабни реконструкция қилиш ва янгидан барпо этиш орқали 150 минг ўқувчи ўрнини яратиш, қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган 257 та мактабни тўлиқ замонавий мебель ва ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда умумтаълим мактабларидаги 2200 та маънан эскирган компьютер синфини янгилаш каби масалалар киритилган.

Йиғилишда сенаторлар томонидан муҳим йўналиш — умумий ўрта таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, умумий ўрта таълим муассасалари учун 131 номдаги янги дарсликлар, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китобларини яратиш, педагогларни чет давлатларга малака ошириш ёки стажировкага юбориш ҳамда нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари қамровини кенгайтириш режалаштирилган.

Профессионал таълим тизимини ривожлантириш орқали ўқувчиларни замонавий билим ва кўникмаларга ўргатиш, олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш йўналишида ҳам муҳим вазифалар мавжуд.

Дастур лойиҳасида аҳоли соғлиғини сақлаш, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, болалар ўртасидаги ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволаш самарадорлигини кўтариш йўналишлари ҳам кенг ўрин эгаллаган. Мисол учун, 3 —18 ёшли 9,8 млн. болани онкогематологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича оммавий ва селектив скринингдан ва 900 минг чақалоқни туғма гипотиреоз, фенилкетонурия касалликларига неонатал скринингдан ўтказиш тадбирлари кўзда тутилаётир.

Бундан ташқари, оналар ва болалар ўлимини қисқартириш, соғлом боланики таъминлаш мақсадида 1 млн. ҳомиладор ва 1,5 млн. бола эмизувчи аёлни йод препарати билан, 5,9 млн. 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёлни темир ва фолий кислотаси препарати билан бепул таъминлаш режалаштирилмоқда.

Мажлисда иштирокчилар томонидан давлат дастури лойиҳасига қатор таклиф ҳам берилди. Оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича узоқ муддатли миллий стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда мактабгача таълим ташкилотларида ва мактабларда овқатланишни ташкил этишни такомиллаштириш масалалари ана шулар жумласидандир.

## Маҳалла жамоатчилик ва давлат ўртасидаги таянч кўприги бўлиши керак

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси мажлисида сўз юритилаётган лойиҳа қўмитанинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таҳлилдан ўтказилди ҳамда фикрлар ўртага ташланди.

Хусусан, давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш, улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш, кенгаш аъзоларини моддий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш лозимлиги қайд этилди. Айниқса, бугунги кунда аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудларда кундалик масалаларни ҳал этишда маҳаллани жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги "таянч кўприги"га айлантириш муҳим аҳамият касб этиши урғуланди.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда маҳалланинг ягона платформасини жорий қилиш ҳамда фаолиятини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди. Зеро, давлат дастури лойиҳасидаги бу банд ижроси фуқароларга янада кенг имкониятлар яратади.

Муҳокама чоғида жамиятда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан илиқ ижтимоий муҳитни шакллантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, телевидение ва радио, фильмлар ва кўнгилочар дастурларга ногиронлиги бўлган шахсларни кенг жалб қилиш ишларига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Ногиронлиги бўлган иқтидорли шахслар тимсолида медиамаҳсулотлар тайёрлаш ҳамда ОАВ ва интернет тармоғида кенг кўламда ёритишни қўллаб-қувватлаш ишлари ҳам суст олиб борилаяпти.

Тадбирда 2024 йилда Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги хизматлар ва сервислар сонини ошириш масаласи ҳам муҳокама этилди.

2024 йилда давлат хизматлари кўрсатиш бўйича бир қатор амалий ишлар бажарилиши, хизматлар сони 700 тага етказилиши бўйича тегишли вазирлик масъуллари тушунтиришлар берди.

*Қўмиталар йиғилишларида иштирокчилар томонидан давлат дастури лойиҳаси юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.*

**«Халқ сўзи».**

# АСОСИЙ ЭЪТИБОР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛДИ

1

## Қонун ижодкорлиги ва ёшлар ташаббуси

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик ва ҳайвонот турларини муҳофаза қилишни янада кучайтиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Мамлакатимизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу чора-тадбирлар камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар турларининг барқарор яшаш ва ўсиш шароитларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик, ҳайвонот турларидан фойдаланиш, уларни қайта кўпайтириш, ўсимликларни сунъий яратилган шароитларда етиштириш, шунингдек, ҳайвонларни махсус яратилган шароитларда кўпайтириш ҳамда ов қилиш билан боғлиқ муносабатлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни такомиллаштириш лозим.

Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида фракция аъзолари айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларини саволга тутди.

Уларнинг айтишича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши "Қизил китоб"га киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик ҳамда ҳайвонот турларини кўпайтириш ва муҳофаза қилиш бўйича жавобгарликни оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда фракция аъзолари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳам эшитилди.

Таъкидланганидек, Ёшлар парламенти аъзоларининг қуйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, уларнинг фракция мажлисларида иштирок этиб бориши таъминланган. Энг муҳими, ёшларни қонун ижодкорлиги жараёнига жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, Қонунчилик палатасида кўриб чиқилган қонун лойиҳаларининг 21 таси юзасидан 455 та таклиф тайёрланган.

Муҳокама давомида депутатлар Ёшлар парламентининг ҳисобот давридаги фаолиятини ижобий баҳолаш билан бирга, бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган айрим масалалар ҳам мавжудлигини қайд этди.

Шу билан бирга, Ёшлар парламентининг Қонунчилик палатаси қўмиталари билан амалий ҳамкорлигини ҳамда қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил тадбирларидаги иштирокини янада кенгайтириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

## Ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклифлар берилди

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** йиғилишида кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — "Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилиш давомида партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди.

Савол-жавоблар давомида депутатлар ушбу ҳужжат инсон ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилиш, мамлакатимизда ҳуқуқбузарлик пасайиши ҳамда жиноятдан зарар кўрганларнинг ҳуқуқлари таъминланишидан келиб чиқиб, лойиҳани қўллаб-қувватлади.

Шундан сўнг депутатлар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг 2023 йилдаги фаолиятига оид ахбороти тингланди.

Ҳисобот даврида Ёшлар парламенти томонидан қонун ижодкорлиги жараёнида салмоқли ишлар амалга оширилиб, қуйи палатага киритилган қонун лойиҳалари юзасидан кўплаб таклифлар киритилган. Жумладан, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунни такомиллаштириш бўйича асослантирилган 274 та таклиф Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссиясига тақдим этилган.

Бугунги кунда Ёшлар парламенти аъзолари Қонунчилик палатасининг депутатларига, том маънода, кўмакчи бўлиб келмоқда. Хусусан, Қонунчилик палатаси депутатлари ва Ёшлар парламенти аъзолари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилган. Ҳар бир ёш ўзи сайланган округдаги депутатларга бириктирилган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

2023 йилда ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш, уларда ватанпарварлик руҳини кучайтиришда ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилган. Жумладан, ижтимоий тармоқларда ёшларнинг сиёсий билимларини оширишга қаратилган "Келажак — ёшлар қўлида", "Янги Ўзбекистон ёшлари", "Ёшлар минбари" мулоқот платформалари ташкил этилган.

Шу билан бирга, Ёшлар парламенти томонидан давлат органлари билан ҳам фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, унинг 150 нафар аъзоси 21 та вазирлик ва идорага бириктирилган.











Мунозаралар давомида Ёшлар парламенти томонидан амалга оширилган ишлар эътироф этилиб, сиёсий партиялар фракциялари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қатор таклифлар берилди.

## Ярашув институти доираси янада кенгаймоқда

**"Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида "Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди.

Лекин ҳозирги давр жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш йўналишини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, лойиҳа билан ярашув тўғрисидаги институтни қўллаш доирасини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги моддалар сонини кўпайтириш орқали кенгайтириш таклиф этилмоқда. Мазкур институтнинг таъсир доираси кенгайтирилиши инсон ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилишга имкон бериб, республикада ҳуқуқбузарлик ҳолати пасайишига, асосийси, жиноят натижасида зарар кўрган шахсларнинг ҳуқуқлари тикланиши таъминланишига замин яратади.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, бир қатор таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирди. Лойиҳадаги айрим нормалар юзасидан кўплаб саволлар кўтарилди ва уларга қонун ташаббускорлари томонидан батафсил жавоб олинди.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

## Лойиҳа унинг концепциясига мос бўлиши зарур

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик ва ҳайвонот турларини муҳофаза қилишни янада кучайтиришни назарда тутувчи айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси баҳс-мунозараларга бой ўтди.

Йиғилишда мазкур лойиҳа бугунги вазиятдан келиб чиқиб баҳоланса, долзарб ва муҳим экани таъкидланди. Бироқ лойиҳа ва унинг концепцияси бир-бирига мос эмаслиги депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Хусусан, депутат Шарофиддин Назаров қонун анча муҳимлиги, у қанча тез қабул қилинса, шунча яхшилигини таъкидлади. Фракция аъзосининг қайд этишича, ташаббускорлар тақдим қилган "Йўл харитаси"нинг 13-бандида камёб, йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси бўйича аниқ тақиқловчи ҳамда чекловчи талабларни белгилаш илгари сурилган. Бироқ лойиҳада бу масала очиб берилмаган. Депутат лойиҳада бу каби хато ва камчиликлар биргина эмаслигини айтиб, лойиҳанинг концепциясини биринчи ўқишга қадар тўғрилаш керак, деган фикрни билдирди.

Қизғин муҳокамадан сўнг қўмитанинг хулосаси билан лойиҳа қўллаб-қувватланди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди. Унда ўтган йилда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот тақдим этилди.

Депутатлар Ёшлар парламентининг фаолиятига ХДП фракцияси ҳамиша хайрихоҳ эканини таъкидлади. Уларга ҳар томонлама дастак бўлишга, ёшлар илгари сураётган ташаббуслар, билдираётган фикрларини қўллаб-қувватлашга тайёр экани қайд этилди.

Ўз навбатида, Ёшлар парламенти аъзолари фаолиятини жонлантириш юзасидан таклифлар билдирилди. Жумладан, Ёшлар парламенти аъзоларининг қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан ўтказиладиган муҳокамаларда, фракция йиғилишларида мунтазам иштирокини таъминлаш, яъни уларни Қонунчилик палатаси фаолиятига янада кенгроқ жалб қилиш масаласи илгари сурилди.

Шунингдек, Ёшлар парламентининг парламент қуйи палатасидаги Ёшлар масалалари комиссиясига таклифлар бериш имкониятидан самарали фойдаланиш кераклиги, бу борада камчиликлар борлиги қайд этилди.

Ёшлар парламенти аъзоларининг депутатлар билан ҳамкорлигини кучайтириш, сайлов округларидаги фаолиятида ўзаро алоқадорликни мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар назоратга олиниши қайд этилиб, Ёшлар парламентининг ахбороти фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

## Камёб ўсимлик турлари муҳофазаси кучайтирилади

Мамлакатимизда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларининг табиий популяцияларини сақлаб қолиш мақсадида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида муҳокама қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик ва ҳайвонот турларини муҳофаза қилишни янада кучайтиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли.

Мазкур қонун лойиҳаси билан "Қизил китоб"га киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларидан уларни табиий яшаш муҳитидан ажратиб олган, ушбу турдаги ўсимликларни сақлаш, муҳофаза қилиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида фойдаланиш мумкинлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, лойиҳада "Қизил китоб"га киритилган ўсимлик турларининг уруғ, кўчат ҳамда ниҳолларини питомник ва плантацияларда етиштириб, табиий муҳитга экилгандан камида уч йил ўтгандан сўнггина уларнинг уруғларини йиғиш ёки ҳосилини олиш мумкинлиги ҳақидаги нормани белгилаш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда депутатлар ушбу қонун лойиҳаси "Қизил китоб"га киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турлари бутунлай йўқолиб кетишининг олдини олиш, уларни кўпайтириш ва муҳофаза қилишга хизмат қилиши, бу, ўз навбатида, партия дастурий мақсади ва электорати манфаатларига тўла мос келишини қайд этдилар.

Қизғин мунозаралар якунида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди ҳамда қўллаб-қувватланди.

*Фракциялар йиғилишларида, шунингдек, кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

# «...Қаю панжаким, панжаи офтоб»

*Даҳо шоир Алишер Навоий нафақат ижодий мероси, балки ҳаёти, эзгу фазилатлари билан ҳам биз, авлодларга доимий ибрат намунасидир. Хусусан, унинг устозларига муносабати, меҳр-муҳаббати, бу инсонларни беҳисоб ардоқлаши, камтарлиги кишига ҳавас ва ифтихор бахш этади.*

## 9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун


Сирожиддин ВОҲИДОВ олган сурат.

Буюк мутафаккирнинг бу хислатлари унинг "Садди Искандарий" достонининг якунловчи 89-бобида кўзга яққол ташланади. Ушбу боб нафақат бешинчи достон, балки мухташам "Хамса"нинг якунловчи қисмидир. Ҳазрат Навоий "Хамса" достонларида ўзининг нек нияти, муддаолари, олдига қўйган олий мақсади, уни ёзишга қизғин тайёргарлик кўриши, илҳомий онлари, маълум муддат ёза олмай қолган пайтларидаги тушкун кайфияти, чеккан машаққатлари ёхуд Аллоҳдан мадад ва нажот сўраб қилган илтижолари ёки сўз, қалам, қоғоз, довотига мурожаатлари, тавба ҳамда тазаррулари ҳақида жуда таъсирли, ибратомуз байтлар ёзган.

Шу билан бирга, ҳар бир достони аввалида Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий каби хамсанавис устозларини шарафлаб алоҳида боблар битган. Уларда хамсачилик мактаби ва асосчиси, анъана ҳамда новаторлик масалалари, ижод жараёни, услуб жилолари, тарихий ва адабий далиллар хусусида гапирган.

"Садди Искандарий"нинг 89-бобида бахту иқболи қўллаб, юксак орзулари рўёбга чиқиб, "Хамса"ни тугатгани хусусида ва беш достон номи, мазмуни ҳақида тўлқинланиб ёзаркан, устозларига самимий дил изҳорларини билдиради, уларни шарафлайди ва алқайди. Бундай гўзал муносабат достоннинг кўплаб ўринларида келган, аммо биз мақола ҳажмини ҳисобга олиб, баъзиларини таҳлил ва талқин этишга ҳаракат қилдик.

**Биринчидан**, Алишер Навоий бобнинг дастлабки тасвирида хамсачилик мактаби ҳақида сўз очади ва панжа, қўл, илик сўзларини образли ифода тарзда қўллайди. Ифтихор туйғуси билан Низомийни илк хамсанавис сифатида таништиради ва унинг "Панж ганж"ини образли ифода шаклида "панжаи офтоб" дея шарафлайди:

*Не панжа эрур, "Хамса"и ганжсанж*
*Ки, доно қўюбтур отин "Панж ганж".*
*Қаю "Хамса"ким, махзани дурри ноб,*
*Қаю панжаким, панжаи офтоб.*

**Иккинчидан**, "Садди Искандарий"ни ёзишга қўл урган ҳазрат Навоий гоҳида буюк замондоши Жомийнинг "Бийик ҳимматидин мададкорлиқ" истаб ва дуо сўраб унинг ҳузурига тез-тез бориб турганини айтган. Тасвирда у қулф ва калитни маҳорат ила образли ифода билан қўллаб, Жомий каби буюклар дуоси қулфни очувчи калит эканини тўлқинланиб ёзади:

*Ки, ҳар қуфлким фатҳидур нопадид,*
*Анга бор эранлар дуоси калид.*

Жомий дўсти Алишер Навоийга кенг фикр, юксак ижодий онг ва тафаккур соҳиби эканини гапириб, "Ки, сўз таври келди сенинг шаънинга", "Сўз ичра сенга паҳлавонлиқ доғи", "Умид улки, бўлғай муяссар сенга", дея катта умид беради.

**Учинчидан**, Алишер Навоий якунланган "Хамса" қораламасини ғилофга солиб, яъни "Саводин солиб жузвдоним аро", дея Жомий ҳузурига равона бўлади. Унга "Хамса" хотимаси хусусидаги хушхабарни айтади ва кўнгли тўлиб устозини "...мададкор анинг ҳиммати", "Не иш тушса, ғаврумға етгучи ул", дея олқишлайди.

**Тўртинчидан**, ҳазрат Навоий ўзини ростлаб олгач, "Узун умрлар анда сарф эттилар", деган юксак эътироф билан Низомий Ганжавийни "Низомийки, назм аҳли устодидур", Хусрав Деҳлавийни эса "Ки, сўз бирла олди Ажам то Араб", деб улуғлайди. Шарқ мумтоз адабиётининг Саъдий Шерозий, Абулқосим Фирдавсий, Аҳмад Унсурий, Саноий, Ҳоқоний, Анварий каби буюк сўз усталарини, ҳатто унга рубоий ёзиб "Сўз мулкининг Соҳибқирони, қаҳрамони" дея шарафлаган мунаққиди Султон Ҳусайн Бойқарони талмеҳ санъати воситасида ёдга олади. Уларга ҳурмати ва бой ижодий меросига қизиқиши баландлигини эслаб ўтади.

**Бешинчидан**, "Хамса"ни басмала билан бошлаган Алишер Навоий асар хотимасида фахрия усулида ўзига мурожаат қилиб, Тангрининг карами, марҳамати, инояти билан олий мақсади раво бўлганига олам-олам шукроналар изҳор қилади:

*Навоий, қилиб Тенгри коминг раво,*
*Сенга рўзи этти ажойиб наво.*
*Узот Тенгри шукри навосиға тил,*
*Наво ортуқ истар эсанг, шукр қил!*

Мухтасар айтганда, "Садди Искандарий"нинг биргина мазкур боби тасвири, талқини буюк мутафаккир шоирнинг қалб ва ижод оламини намоён этади.

**Буробия РАЖАБОВА,**
**ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди.**

---

Ихтиро

# ЭШИКНИ ОЧИБ-ЁПИШДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ОЛИНМОҚДА

*"Қаловини топса кесакдан ҳам олов чиқади". Гарчи ушбу ибора муболаға бўлса-да, моҳиятида ҳақиқат бор. Бунга ўтмишдаги ва ҳозирги кўплаб ихтиролар, илм-фан ютуқлари мисол бўла олади. Кўзимизга оддий кўринган ҳолатлар, ҳодисалар, нарсалар катта кашфиётлар калити бўлиши мумкин.*

Сирдарёлик ёш ихтирочи Нурбек Тошбоевнинг ҳар биримиз учун оддий ҳаракат бўлиб туюладиган эшикни очиб-ёпиш жараёнида электр энергияси ҳосил қилганлиги ҳам ҳайратланарли, албатта.

Бинобарин, бу бўйича ўтган йили Сирдарё ёшлар технопаркида "Door electrical energy" лойиҳаси асосида қурилма яратилди ҳамда технопарк кўмагида ишлаб чиқарилди. Айни пайтда ушбу митти электр корхоналари технопаркнинг робототехника ва компьютер хоналари ёритиш тизимини ток билан тўлиқ таъминлаяпти.




— Қурилмамизнинг электр энергия ишлаб чиқариш қуввати эшикнинг очилиб-ёпилиш жараёнига боғлиқ, — дейди Нурбек Тошбоев. — Шу боис уни жамоат ёки ташкилотдаги одамлар тез-тез кириб чиқадиган, хонадонларда ҳам энг кўп очилиб-ёпиладиган эшикларга ўрнатиш яхши самара беради. Масалан, кун давомида 40 — 50 мартагача очилиб-ёпиладиган эшик ҳаракатидан 0.8 — 1.1 киловатт/соатгача электр энергияси олиш мумкин.

Эътиборлиси, ҳосил қилинган энергия махсус аккумуляторларда тўпланади. Натижада куннинг исталган вақтида электроника жиҳозлари ёки ёритиш тизими экологик соф энергия билан таъминланади. Аниқроқ айтганда, битта эшик орқали ишлаб чиқарилган энергия билан иккита 10 ваттлик "Led" чироғи 10 — 12 соатгача ёниб туради.

Қурилмага махсус генератор ўрнатилган. Ток ишлаб чиқаришнинг ушбу асосий ускунаси ҳам ёш ихтирочи томонидан яратилди. Генераторнинг айланишини тезлаштирувчи махсус механизм 3D принтерида лойиҳаланиб ясалган. Айни тезлаштирувчи механизм ("шестерня") туфайли эшикнинг бир маротаба очилиб-ёпилишидан 20 — 30 ваттгача қувват ҳосил қилинади.

Н. Тошбоев айни пайтда Гулистон давлат университетининг физика йўналиши бўйича 4-босқичда давлат гранти асосида таҳсил олмоқда. Шу билан бирга, Сирдарё ёшлар технопаркининг "Робототехника. Электроника" йўналиши бош мутахассиси, "InnoX" бизнес инкубация дастури треккери сифатида фаолият юритмоқда. Ёш ихтирочи самарали стартап лойиҳалари билан кўплаб инновацион лойиҳа танловларида ғолиб бўлган.



Айтиш жоизки, Сирдарё ёшлар технопаркида истиқболли стартап лойиҳалар устида ишлаётган йигит-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Улар учун бу ерда барча шароитга эга қишлоқ хўжалиги, киберспорт, "O-net academy", "Castle academy" каби бир қанча йўналишлар фаолият юритяпти.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).**

---

# Маҳалланинг уддабурон оилалари

*Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳридаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинида 3 минг 160 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар туфайли қувонарли ютуқларга эришиляпти.*

## Омилкорлик



— Бугунги кунда маҳалламизда 54 нафар тадбиркор самарали фаолият кўрсатмоқда. Биргина мебелчиликка ихтисослаштирилган кичик корхонада 20 дан ортиқ иш ўринлари яратилган, — дейди "Дўстлик" МФЙ раиси Ғиёсжон Исаев. — Шунингдек, боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик маҳалланинг драйвери сифатида белгиланган. Шу тариқа маҳалланинг уддабурон оилалари ҳамма ишни дўндириб келишмоқда.

Яратилаётган шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланаётган Мавжуда Жунайдуллаева ўтган йили баҳорда учта қуён сотиб олиб, меҳр билан парваришлашга киришган эди. Ўтган қисқа фурсатда қуёнлар бош сони 60 тага етди. Файзли оила бекасининг қайд этишича, қуёнчилик кам маблағ сарфлаб, яхши даромад олса бўладиган тадбиркорлик ҳисобланади. Даромади ҳам яхши, рўзғорга барака олиб келади.



Мухтасар айтганда, маҳаллада тадбиркорлик, деҳқончилик каби юмушлар ортидан фаровон ҳаёт кечираётган оилалар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

**Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).**

---

Ҳунармандчилик



# БОЙСУНЛИКЛАР РЕКОРДНИ ЯНГИЛАШМОҚЧИ

*Бойсун тумани азалдан қўлигул, моҳир ҳунармандлари билан донг таратган. Воҳага хос миллий каштачилик санъати ўлмас миллий қадрият сифатида эъзозланиб, ёш авлод томонидан давом эттирилмоқда. Бугунги кунда ўтмиш ва келажак нафасини ўзида жо қилган бойсунлик каштадўзларнинг маҳсулотлари вилоят ва республика миқёсидаги тадбирларда намойиш этилиб, эътирофга сазовор бўлмоқда.*

Каштачиликка асосланган "Dream's shahrinav" оилавий корхонаси ҳам ўз услуб ва мактабига эга корхоналардан бири ҳисобланади. Кўп йиллардан бери миллий ҳунармандчилигимиз анъаналарини давом эттириб келаётган ушбу корхонада ҳозирги пайтда юзга яқин миллий ҳунармандчилик буюмлари ясалмоқда.

— Корхонамизда касаначиларимиз билан қўшиб ҳисоблаганда 34 нафар ходим фаолият юритади, — дейди иш юритувчи Нилуфар Жўраева. — Бу ерда, асосан, эркак ҳамда аёлларга мос миллий ва замонавий либослар, турли сумкалар тикилади, совғабоп сувенирлар ясалади. Бундан ташқари, Самарқанддаги "Боқий шаҳар"да "Бойсун каштадўзлари" деган устахонамиз бор. У ерда ҳам 4 нафар каштадўз ишлайди.

"Dream's shahrinav" оилавий корхонаси вакиллари "Бойсун баҳори" фольклор фестивали учун умумий ҳажми 161 квадрат метрдан иборат, яъни бўйи 31, эни 5,20 метрли миллий сўзана намунасини тайёрлашмоқда. Тикув ишларига 100 нафар моҳир каштадўз жалб этилган.

— Ушбу сўзана 25 қисмдан иборат бўлиб, касаначиларимиз билан ҳамкорликда тикилади, — дейди "Dream's shahrinav" оилавий корхонаси таъсисчиси, "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони соҳибаси Малика Подшоева. — Айни пайтда дизайн ишлари якунланиб, эскизлар олинди. Энди сўзанамизга жило бериш ишларини бошлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, бундан аввал бойсунлик ҳунармандлар томонидан тикилган, узунлиги 25, эни 6 метр, оғирлиги 60 килограммни ташкил этган дунёдаги энг катта сўзана 2019 йил апрель ойида Термиз шаҳрида ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида илк бор намойиш қилинган эди.

**Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОДОВ.**
Сурхондарё вилояти

---


## «Чимган — Чорбоғ магистраль сув таъминот» АЖ мижозлари диққатига:

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши томонидан 2024 йилнинг 2 февралдаги VI-86-6-10-0-К/24-сон қарорига асосан 2024 йил 20 февралдан бошлаб ичимлик суви ҳамда канализация хизматлари учун нархлар қуйидагича белгиланганлиги маълум қилинади.

| Т/р | Товар (иш, хизмат)нинг номи | Микдори | Нархлар ҚҚСсиз | Нархлар ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|
| | **Ичимлик суви етказиб бериш** | | | |
| 1 | Аҳолига | 1м³ | 1100 | 0 |
| 2 | Бюджет ташкилотларига | 1м³ | 1300 | 1456 |
| 3 | Улгуржи истеъмолчиларга | 1м³ | 4600 | 5152 |
| | **Оқова сувлари чиқариш** | | | |
| 1 | Аҳолига | 1м³ | 300 | |
| 2 | Бюджет ташкилотларига | 1м³ | 400 | 448 |
| 3 | Улгуржи истеъмолчиларга | 1м³ | 3100 | 3472 |

**Эслатма:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 октябрдаги "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ 343-сонли қарорининг тегишли бандларига асосан барча гуруҳ истеъмолчиларига устама ҳақлар ҳисобланиши 2024 йил 1 январдан тўхтатилган.

**Маълумот учун:** ҳисоблаш ускуналари бўлмаган истеъмолчиларга совуқ сув хизмати учун тўловлар белгиланган тарифларга ошиб борувчи 1,5 коэффициентни татбиқ этиш билан амалга оширилади.

РЕКЛАМА

## «ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СУВ ТАЪМИНОТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2024 йил 2 февралдаги VI-86-6-10-0-К/24-сон қарорига асосан, 2024 йил 20 февралдан бошлаб истеъмолчиларга етказиб бериладиган ичимлик суви ва оқова сув хизматлари нархлари ўзгаришини маълум қилади.

| | |
|---|---|
| **Аҳолига ичимлик суви** | **1 м³ — 2000 сўм** |
| **Бюджет ташкилотларига ичимлик суви** | **1 м³ — 9000 сўм** |
| **Бошқа ташкилотларга ичимлик суви** | **1 м³ — 9000 сўм** |

| | |
|---|---|
| **Аҳолига оқова сув хизмати** | **1 м³ — 1000 сўм** |
| **Бюджет ташкилотларига оқова сув хизмати** | **1 м³ — 2000 сўм** |
| **Бошқа ташкилотларга оқова сув хизмати** | **1 м³ — 2000 сўм** |

**Эслатма:** ҳисоблаш ускуналари бўлмаган ҳолатларда совуқ сув хизмати бўйича тўловлар белгиланган тарифларга ошиб борувчи 1,5 коэффициентни татбиқ этиш билан амалга оширилади.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 17 437 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6